

# Тазкия дарслари (49-дарс). Одоб бўлмаса, ҳар қандай хулқ камолига ета олмайди



14:30 / 07.09.2019 4933

Тариқатда зикр қилинган одобларнинг ўзи фарз, вожиб ёки суннат, ёхуд мубоҳ бўлади. Чунки тариқатнинг асосий иши банданинг Холиқ ва Унинг маҳлуқотлари билан бўладиган одобларини йўлга қўйишдир.

Нафснинг Аллоҳ таолога холис ибодат қиласидиган камолга етиши учун ўша даргоҳга олиб борувчи йўлдан юриш лозим. У йўлда юришнинг эса ўзига яраша шартлари бор. Ушбу шартлар қанчалик мукаммал юзага чиқса, мазкур йўлда юриш шунчалар осон бўлади. Шартларда қанчалар нуқсон бўлса, мазкур йўлда юриш шунчалар қийинлашиб бораверади. Шартлар ноқис бўлса, юриш ҳам ноқис бўлади. Шартлар умуман бўлмаса, юриш ҳам бўлмайди.

Бас, шундай экан, аввало шартларни билиб олиш керак. Ҳар бир шартнинг ўз одоблари бор. Одоб бўлмаса, ҳар қандай хулқ камолига ета олмайди. Мисол учун, бир кишининг табиатида тавозеъ хулқи бор. Ўша хулқ ўзининг ташқи кўринишига – одобига эга бўлиши ҳам керак. Бу мисолни ҳар бир нарсага нисбатан ишлатиш мумкин.

Демак, одоб-ахлоқ масаласи ниҳоятда кенг ва чуқур масала. Сўфийнинг кўзга кўринган аломатларидан бири – яхши ахлоқлар ва гўзал одоблар билан зийнатланган бўлишидир. Шунинг учун ҳам тасаввуф – хулқдир. Кимнинг гўзал хулқи зиёда бўлса, тасаввуфи ҳам зиёда бўлади, дейилган.

Машхур сўфийлардан бирларининг араб тилида ёзган «Ал-мабоҳисул аслийя» номли китобида сўфийнинг одоби ҳақида ажойиб байтлар бор:

«Тариқатнинг зоҳири ва ботини бордир,

Унинг зоҳиридан ботинлари билинадир.

Унинг зоҳири одоблар ва ахлоқлардир,

Унинг ботини ҳолларнинг манозилидир.

Зул Жалолга юришнинг мақоматлари дир,

Зоҳирий одоблар кўзларга кўринадир.

Алар инсон ботинин далолатлари дир,

Одоб фақир учун аъло сுянчиқдир,

Бойга эса зийнат, ҳам шарафдир.

Ким одобдан маҳрум бўлса, дерлар:

Қанча яқинлашса ҳам, узоқдадирлар.

Кимни насаби тутиб турса, дерлар:

Одоби уни хўб озод қилур, дерлар.

Одоб ила пешво бўлдилар қавмлар,

Ундан керагича фойда олдилар улар.

Кичикларга насиҳат қилдилар улар,

Улуғ ва акобирларни ҳурматладилар.

Қалбга алам беришдан четда бўлдилар,

Вожиблар ва мандубларга шошилдилар.

Шайх ва ихвонларга хизмат қилдилар,

Жонлар ва баданларин бунга тикдилар.

Баҳслар вақтида жим қулоқ осдилар,

Үтгану қолганларни ҳурмат қилдилар.

Билмаганларин шайхлардан сўрадилар,

Ўзлари етмаган нарсада тек турдилар.

Билган нарсаларига амал қилдилар,

Бошқаларни ўзларидан устин қўйдилар.

Оз-оз олиб, эҳтишом билан турдилар,

Адолат ва инсоф-ла ҳукм қилдилар.

Оқиб турган ҳар соф сувдан ичдилар,

Баъзилари баъзиларига ёрдам бердилар.

Бир-бирларидан роҳат ва омон олдилар,

Ҳақ учун унга доимо нусратда бўлдилар.

Ёмонларга яхшиликни қарз бердилар,

Бу тариқатдан мақсад ўзи адабдир,

Ҳар ҳолатда шунинг ўзи мазҳабдир».

Кўринадики, тасаввуфнинг асосий мақсадларидан бири одоб экан.

Машойихлар Исро сурасидаги:

۳۶ ﴿ مَسْؤُلًا عَنْهُ كَانُوا لِكَلِّ وَالْفُؤَادِ وَالْبَصَرِ السَّمْعَ إِنَّ

«Албатта, қулок, кўз ва дил - ана ўшалар масъулдирлар», оятидан инсондаги ҳар бир аъзонинг ўзига хос одоби борлигини истинбот қилганлар. Улар: «Аллоҳ таолога нисбатан бўлган ҳусни одоб сенинг аъзоларингдан ҳар бирининг Аллоҳ азза ва жалланинг розилигидан бошқа нарса учун ҳаракатланмаслигидир», деганлар.

Бас, тилнинг одоби – Аллоҳнинг зикри ила ҳўл бўлиши, биродарларни яхшилик ила зикр қилиш, насиҳат ва ваъз қилиш, уларга ёқмайдиган сўзларни гапирмаслик, ғийбат, чақимчилик қилмаслик, сўкмаслик, бехуда гапларни гапирмаслик. Агар жамоат ичидаги бўлса, улар керакли гапларни гапирганда, гапиради, кераксиз гапларга ўтганда, жим туради. Ҳар мақомда ҳолатга қараб гапиради. Чунки ҳар бир мақомнинг ўз мақоли (гапи) бор.

**«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан**